

Суҳбатдошни билиш сирлари

ИНСОННИ ЎРГАНИШ ИЛМИ

Инсон
хақида
илм



- Қарашлар
- Кўзлар – кўнгилдан сўзлар
- Қўлларимиз қандай сирни айтади?
- Қадамлар – феълингиздан дарак
- Инсонларни фарқлай оласизми?
- Кўринганингиз кабимисиз?
- Ким қандай кулади?

ИНСОННИ ЎРГАНИШ ИЛМИ



УЎК: 94(575.1)

КБК: 88.37

И – 60

Инсонни ўрганиш илми / Тузувчи: Ойдиннисо
Йўлдошева. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 64 б.

ISBN 978-9943-27-496-9

Янги танишингизни бир кўришдаёқ қандай инсонлигини била оласизми? Ёки узок вақт суҳбатлашгачгина уни ўргана бошлайсизми? Кўпчилик одамлар суҳбатдошининг нафақат сўзлаётган сўзи ва ўзини тутиши, балки ташқи кўринишига қараб ҳам баҳо беришади. Ва баъзан шундай бўладики, ҳеч қанақанги сўз, ҳеч қанақанги хатти-ҳаракатсиз ҳам бир кўришдаёқ муносабат билдирилади.

Албатта, инсоннинг кўриниши, юриш-туришига қараб, унинг ички оламини кўра олиш учун инсонни яхши билиш лозим. Бу ҳақда эса ушбу китобчамиз сизга қўмақдош бўлади.

УЎК: 94(575.1)

КБК: 88.37

Тузувчи
ОЙДИННИСО ЙЎЛДОШЕВА

ISBN 978-9943-27-496-9

© «Инсонни ўрганиш илми». «Янги аср авлоди»,
2016 йил.

КИРИШ

Биринчи марта кўриб турган одамга нисбатан ёқтирмаслик ёки мойиллик туйғуларини асосида пайдо бўлади, деган савол ҳар биримизни қизиқтириши табиий. Инсонни ўрганиш илми асосчиларининг таъкидлашларича, ушбу муносабат тана «сигнали» – сўзсиз тил асосида ҳосил бўларкан. Фақат руҳишуносларни ҳисобга олмаганда ушбу тил деярли ҳеч қаерда ўргатилмайди. Аммо инсоннинг ҳаракатларини тўғри баҳолаш, уни яхшироқ билиш учун ушбу фан тўғрисида маълумотга эга бўлиш ҳар бир инсон учун керак ва жуда қизиқарли.

Инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, имо-ишораси – ушбу тилнинг сўзлари. Хатти-ҳаракатига қараб муносабатда бўламиз, шу асосида ўзаро алоқаларимиз шаклланади. Баъзан суҳбатдошимизга айтмоқчи бўлганларимизни «сўзсиз» жавобимиз билан ўзимиз кутгандек муваффақиятли ууддалашимиз мумкин. Айрим ҳолларда эса суҳбатдошимизнинг хатти-ҳаракати бизни эҳтиёткорликка ундайди (наркотик моддалар қабул қилувчилар, собиқ маҳбуслар, ҳаётдан норози, руҳан носоглом кишиларнинг хатти-ҳаракатлари). Бундай ҳолларда қандай қилиб алоқани яхшиликча узиш тўғрисида ўйлаб кўрамиз. Кўпчилик одамлар бир нарсани ўйлаб туриб бошқа нарсани гапирдилар, шунинг учун уларнинг ҳақиқий аҳволини тушуниш жуда муҳим.

*БИРИНЧИ БОБ***СУҲБАТДОШНИ БИЛИШ СИРЛАРИ****Ким қандай кулади**

Инсон феъл-атворини нафақат унинг муомаласидан, балки кийиниши, гапириши, хатти-ҳаракатидан ҳам билиш мумкин. Кулиш пайтидаги хатти-ҳаракатлар инсоннинг табиатини айтиб бераркан. Кулаётганда ҳар биримизнинг биз ҳеч қачон таҳлил қилиб ўтирмайдиган ўзимизга хос ҳаракатларимиз содир бўлади. Хириллаб, сокиң, тортиниб, қиқирлаб, истехзоли, баланд овозда, эшитилар-эшитилмас, овозсиз – дунёда нечта одам бўлса, шунча хил кулгу бор. Ўзингиз ва яқинларингизнинг қандай кулишини кузатиб кўринг, эҳтимол, қандайдир янгиликларни кашф этарсиз.



- Lituz.com

Elektron kitoblar

**To'liq qismini Shu tugmani
bosish orqali sotib oling!**